

Ҳожат намози ва унда ўқиладиган дуо (23-тавсия)



22:04 / 13.10.2023 452475

Ҳожат намози ва унда ўқиладиган дуо (23-тавсия)

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

مُيْلِحُ لَأْهَلِّ لَأْأَلِ إِهْلِ إِالِ
 بَرِّهَلِّ لَأْأَخْبُسُ مُيْرَكِّ لَأْ
 هَلِّ لَذُمَّحُ لَأْ، مِيظَعُ لَأْ شَرَعُ لَأْ
 كُؤْ أَسَأْ نِي مَلْ أَعْلِ بَرِّ
 مِيْ أَزَعُ وَكَيْتَ مَحْرِي تَأْبِجُومُ
 لُكُ نَمَ مِي نَغْلِ أَوْ كَيْتَ رَفْعُ مِ
 أَلِ مَثِ لُكُ نَمَ مِ أَلِ سَلِ أَوْ رِبِ
 أَلِ وَهُتَ رَفَعُ أَلِ أِبْنِ ذِي لُغَدَتِ
 يَهَّ عَجَاحِ أَلِ وَهُتَ جَرَفُ أَلِ أَمَّهْ
 مَحْرَأِ أَيِ أَهْتِي ضَقُ أَلِ أَضْرَ كَلِ
 نِي مَحْرَأِ لَأْ

«Кимнинг Аллоҳга ва Бани Одамдан бирортасига ҳожати бўлса, яхшилаб таҳорат қилиб, сўнгра икки рақъат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳга сано, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтсин. Кейин: «Лаа илаҳа иллаллоҳул Ҳалимул Карийм, субҳааналлоҳи Роббил аршил азийм. Алҳамду лиллаҳи Роббил ʼааламин. Ас-алука мужибаати роҳматик, ва азаими мағфиротик,

вал ғониймата мин кулли бирр, вас-салаамата мин кулли исм. Лаа тадаъ лий занбан илла ғофартах, ва лаа ҳамман илла фаррожтах, ва лаа ҳаажатан ҳия лака ризон илла қозойтах, йаа арҳамар-роҳимийн!» десин».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилгишан.

Ибн Можа «**йаа арҳамар-роҳимийн**» жумласидан сўнг «**кейин дунё ва охират ишларини истаганича сўрайди, чунки улар** (сўраган нарсалари) **унинг тақдирига битилади**» деган жумлани қўшимча қилган.

Дуонинг маъноси: Ҳалиму Карим Аллоҳдан ўзга (ибодатга сазовор) маъбуд йўқ. Улуғ Аршнинг Робби Аллоҳ покдир. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мен Сендан раҳматингни вожиб қилувчи, мағфиратингни тақозо қилувчи нарсаларни сўрайман, барча яхшиликлардан насиба, барча ёмонликлардан саломат бўлишни сўрайман. Менинг ҳеч бир гуноҳимни қўймай мағфират қилгин, ҳеч бир ғамимни қўймай кушойиш қилгин, Ўзинг рози бўлган ҳеч бир ҳожатимни қўймай албатта раво қилгин, эй раҳмлиларнинг раҳмлиси!»

Изоҳ: Ҳожат намози мандуб намозлардан саналади. У икки ёки тўрт ракъат ўқилади. Имом Ибн Ҳажар «Бу намозни шанба куни саҳар чоғи ўқиб, сўнг эҳтиёжига кушойиш сўраш мандубдир, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «**Ким шанба куни эрталаб эҳтиёжини сўраса, сўрагани ҳал бўлади. Унинг ҳожати раво бўлишига мен кафилман**», деб марҳамат қилганлар», деган.

Усмон ибн Ҳаниф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир кўзи ожиз одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, дуо қилинг, (Аллоҳ) кўзимни очсин», деди. У зот: «**Шундай қолаверса-чи?**» дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, кўзимнинг ожизлиги менга оғирлик қияпти», деди. У зот шундай дедилар: «**Бўлмаса, бориб таҳорат ол. Кейин икки ракъат намоз ўқи. Сўнг шундай дегин: «Аллоҳим, мен Сендан Набиййим, раҳмат набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиб**

ёлвораман, Сенга таважжуҳ қиламан(юзланаман). Эй Муҳаммад, мен Роббингизга сизни васила қилиб таважжуҳ қиламан, менинг кўзимни очсин. Аллоҳим, у зотни ўзимга воситачи қил. Ўзимни ҳам ўзимга воситачи қил!»

Кейин у кўзи очиқ ҳолда қайтиб кетди».

Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким «Бухорий ва Муслимнинг шартларига кўра саҳиҳ», деган. Лафз Насоийники.

Ушбу ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Ҳожат намозини ўқиш мандубдир. У икки ёки тўрт ракъат ўқилади.
2. Кимнинг Аллоҳдан сўрайдиган ёки бирорта одам билан ҳал бўладиган ҳожати бўлса, яхшилаб таҳорат қилиб, икки ракъат намоз ўқийди. Кейин Аллоҳ таолога ҳамду сано, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловотлар айтади. Кейин юқорида ҳадисда айтилган дуони ўқийди.
3. Бу намозни шанба куни саҳар чоғи ўқиб, ҳожатининг раво бўлишини сўраш мандубдир.
4. Солиҳ одамларни васила қилиб дуо қилиш жоиздир.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади